



ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ БАРВАҚТ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Кушбаков Дилшод Мусурманкулович

ИИВ Академия Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент, подполковник

Эгамбердиев Воҳиджон Отаназарович

ИИВ Академия Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11260950>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2024

Accepted: 20th May 2024

Published: 23rd May 2024

KEYWORDS

*фирибгар, жиноят,
фирибгарлик, мулк, алдаш,
ишончни суистеъмол
қилиш, жазо, кодекс,
такомиллаштириш,
профилактика.*

ABSTRACT

Мазкур мақолада фирибгарлик тушунчаси, ушбу жиноятнинг криминологик тавсифи, фирибгарликка қарши курашнинг долзарблиги ва профилактикаси ҳамда фирибгарлик жиноятини жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳуқуқий баҳо бериш шунингдек, ушбу жиноят учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари очиб берилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш тариқасидаги жиноятлар ўсиши тенденцияси ошиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда кўп учраётган жиноятлардан бири бу фирибгарлик жиноятидир. Шу сабабли ушбу жиноят тушунчаси, уни олдини олиш чоралари ўзининг долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Зеро, сўнги йилларда, бозор иқтисодиёти шароитида ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятининг сезиларли даражада кенгайиши кузатилмоқда. Бу ўз навбатида, суд-тергов органлари томонидан ушбу турдаги жиноятларни кўриб чиқиш амалиётининг мураккаблашишига, жиноятчиликни олдини олиш бўйича фуқаролар, айниқса жиноят бўйича жабрланувчи бўлишга мойил бўлган содда, ишонувчан шахслар ўртасида кенг қамровли тарғибот ишлари олиб бориш заруратини олдимизга кўндаланг қўйди.

Фирибгарлик жинояти алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш билан тавсифланиб, ушбу жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Шу билан бирга, бугунги кунда ўзгалар мулкни талон-торож қилишга қаратилган жиноятларнинг кўплаб содир этилиши, давлат ва жамият иқтисодий негизларига жиддий зарар етказмоқда.

Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар орасида ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш тариқасидаги жиноятлар сони йилдан-йил кескин ортиб бормоқда.

Статистик таҳлил шуни кўрсатадики, Бухоро вилояти кесимида содир этилган фирибгарлик жиноятини таҳлиliga назар соладиган бўлсак, фирибгарлик жинояти вилоятда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 тага ёки 9,2 фоизга (98/89) камайган. Ушбу жиноятнинг туман (шаҳар) кесимидаги таҳлиliga кўра, Бухоро шаҳрида 10 тага ёки 31,3 фоизга (32/42), Бухоро туманида 3 тага ёки 100 фоизга (3/6), Шофиркон туманда 4 тага ёки 66,7 фоизга (6/10), Олот туманида 1 тага ёки 100 фоизга (1/2) кўпайган кузатиш мумкин. Вилоят бўйича фирибгарлик жиноятлари умумий олдини олиш мумкин бўлган жиноятларга нисбатан салмоғи 12 фоиздан (569/98) 11.4 фоизга (514/89) яхшиланган бир вақтда ушбу турдаги жиноятларининг 62 таси ёки 69,6 фоизи 3 та ҳудуд, 42 таси ёки 47,2 фоизи Бухоро шаҳари, 10 таси ёки 11,2 фоизи Ғиждувон тумани, 10 таси ёки 11,2 фоизи Шофиркон тумани ҳиссасига тўғри келган.

Бу турдаги жиноятларнинг шахслар кесимидаги таҳлиliga кўра 14 таси ёшлар, 6 таси аёллар, 8 таси муқаддам судланганлар томонидан содир этилган. Ушбу жиноятнинг аксарияти ёшлар ва муқаддам судланган шахслар кўп қисмини ташкил этишини кузатишимиз мумкин.

Таҳлиллар натижасида фирибгарлик усуллари (турларининг) ихтисослашуви, яъни ушбу жиноят усуллари модернизациялашуви жараёнида бугунги кундаги фирибгарликка қарши кураш чораларини самарасизлиги яққол кўриниб қолмоқда. Масалан, фирибгарлик жиноятининг содир этилиш усуллари таҳлил қилинганда: ахборот технологиялари соҳасида-25 та (28 фоиз), чорва ҳайвонлари сотиш билан боғлиқ-9 та (10,1 фоиз), -Ишга жойлаштириш билан боғлиқ -8 та (8,9 фоиз), - Автомашина олди сотдиси билан боғлиқ-6 та (6,7 фоиз), -Уй-жой олиб бериш билан боғлиқ-5 та (5,6 фоиз), -Бошқа усуллар -36 та (40 фоиз);¹.

Бухоро вилоятидаги фирибгарлик жиноятчилигини чуқур таҳлил қилишда ҳудуднинг ўзига хос демографик хусусиятларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, Бухоро вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Ер майдони 39,4 минг км². Вилоят Туркменистон (289 км) ва Қорақалпоғистон (64 км) республикалари ҳамда Бухоро (680 км), Хоразм (70) ва Қашқадарё (103 км) вилоятлари билан чегарадош ҳисобланади. Вилоятнинг маъмурий маркази – Бухоро шаҳри. Вилоят таркибида 11 та туман, 2 та шаҳар ва 544 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Доимий аҳоли сони 2 044 000 нафар бўлиб, шундан, эркаклар 1 024 953 нафар ва аёллар 1 019 091 нафарни ташкил этади².

Фирибгарлик жиноятини олдини олишда, биринчи навбатда, унга криминологик тавсиф бериш лозим. Бунда ушбу жиноятни юзага келтирувчи сабаб ва шароитлар каби, ижтимоий ҳолатлар илмий жиҳатдан баҳоланиши ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилиши керак.

Бошқа тоифадаги ва турдаги жиноятлардан фарқли ўлароқ, фирибгарлик жиноятига таъриф беришда ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Чунки бу жиноят вақт, давр, ижтимоий-иқтисодий жараён давомида рўй бераётган барча ҳолатлар таъсир кўрсатади ҳамда ушбу жиноят ўзига хос усул ва воситалар орқали содир этилади.

Жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назардан фирибгарлик жинояти жиноят қонунчилигида кўзда тутилган, миллий иқтисодиёт асосларига зарар етказувчи ёки етказишга қодир ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат)дир³.

Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, ташқи тарафдан мулкдор томонидан мулкни “ихтиёрий” равишда бериш ёки бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш

¹ Бухоро вилояти ИИБ статистик маълумотномаси.

² <https://www.stat.uz/>

³ Криминология: Дарслик / Қ.Р. Абдурасулова, А.Г.Закирова, И.Исмаилов, Ф.М.Мухитдинов, С.Б.Хўжакулов, Ғ.С.Қаршиев, Б.А.Умирзаков ва бошқ.; масъул муҳаррир Қ.Р.Абдурасулова – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2022. – 308 б.

кузатилади. Бунда, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш талон-торож қилишнинг зарурий усули сифатида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги

35-сон қарорига мувофиқ ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни фирибгарлик билан қўлга киритиш усули сифатида алдов актив ёки пассив бўлиши мумкин.

Хусусан, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар актив алдов ҳисобланади. Пассив алдов эса, шахс қонуний асосларга мувофиқ маълум қилиши лозим бўлган ҳақиқий фактларни қасддан хабар қилмаслигида ифодаланади⁴.

Сўнгги йиллардаги бундай ўсиш динамикаси фирибгарликка қарши курашишнинг замонавий усуллари тақозо қилади. Жиноят қонунчилигимизда судланувчилар, маҳкумларнинг аҳволини энгиллаштиришга қаратилган, инсонпарварлик принципини акс эттирувчи айрим институтларимиз фирибгарлар учун қўл келмоқда.

Бунда ўсиш динамикаси фирибгарликка қарши курашишнинг замонавий усуллари жорий этишни тақозо қилмоқда. Шунингдек мазкур жиноятга қарши кураш борасида айрим муаммоларнинг мавжудлиги бу соҳадаги амалий ишларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Жиноят кодексида судланувчи, маҳкумларнинг аҳволини энгиллаштиришга қаратилган, инсонпарварлик принципини акс эттирувчи айрим институтларни (73-модда. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш; 74-модда. Жазони энгилроғи билан алмаштириш ва бошқалар) фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши жиноятчига тайинланган жазодан кўзланган мақсадга эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Бундай ҳолатлар онгли равишда фирибгарлик орқали моддий бойлик орттиришни мақсад қилиб олган шахсга қўл келмоқда. Фирибгарлик содир этган шахслар қонунда белгиланган раъбатлардан фойдаланиб, суд томонидан тайинланган жазони амалда ўтамай озодликка чиқишга имкон берган ҳолда, шахснинг фирибгарлик билан боғлиқ жиноятни қайта содир қилиш ҳолатларининг кўпайишга сабаб бўлмоқда.

Жиноят кодексининг 168-моддаси тўртинчи қисми санкциясида саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиб, суд томонидан фирибгарга нисбатан максимал ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Шунингдек содир этилган жиноят натижасида жабрланувчига келтирилган зарар тулик копланган тақдирда айбланувчига озодликдан чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо чораси кулланилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасига кўра, шахс ҳар қанча катта суммада ва эпизодларда фирибгарлик қилса ҳам, унга судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг юқориси ўн йилдан ортиқ муддатга бериши мумкин эмас. Лекин амалиёт кўрсатиб турибдики, судлар томонидан мана шу ўн йил ҳам жуда кам ҳолларда тайинланмоқда.

Фирибгарлик канча куп фуқароларни ҳар қанча миқдордаги мулкларини талон тарож қилган бўлишига карамасдан юқоридаги курсатилган қонунчилигимиздаги энгилликлардан фойдаланиб, жазосидан қисқа муддатларда озод бўлиш ва мукаддам судланган шахслар томонидан ушбу турдаги жиноятларнинг қайта содир этилиши ҳолатлари ортиб бормоқда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 35-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/3399888>

Бу борада МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида фирибгарлик жинояти учун белгиланган жазонинг максимал миқдори юқорилигини кўриш мумкин. Жумладан, Украина Жиноят кодекси⁵да 12 йилгача, Молдавия Жиноят кодекси⁶да 15 йилгача, Озарбайжон Жиноят кодекси⁷да 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Шунингдек, хорижий давлатларда оғирлаштирувчи ҳолатда фирибгарлик жиноятининг содир этилганлиги бўйича модда санкциясида жарима жазоси назарда тутилмаган.

Хусусан, Қозоғистон Жиноят кодекси⁸нинг 190-моддаси тўртинчи қисмида фирибгарлик жинояти уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этганлик учун мол-мулкни мусодара қилиш орқали беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш, муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан умрбод маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси¹⁰нинг 166-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган фирибгарлик жиноятини уюшган гуруҳ томонидан, кўп миқдорда, муқаддам икки ва ундан ортиқ ўғирлик ёки товламачилик жиноят учун судланган ва хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жинояти учун мол-мулкни мусодара қилиш билан беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Шунга кўра, оғирлаштирувчи ҳолатларда фирибгарлик жинояти содир этганлик учун санкцияда назарда тутилган жазолар турларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, фирибгарлик жиноятларини содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри юритилиши фуқароларни фирибгарлик жиноятини ўзига касб қилиб олган шахслардан огоҳ бўлишга ҳамда улар таъсирига тушиб қолишининг олдини олади.

Фирибгарликни касб қилиб олиш ва онгли равишда фирибгарлик орқали моддий бойлик орттиришни мақсад қилиб, жиноятга қасддан қўл уриш ва бу жиноятни такрор содир қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда⁹.

Жамиятда бирор жиноят тури кенг тарқалиб кетган тақдирда, ушбу жиноят учун жазоларни кучайтириш орқали ҳолатни бартараф этиш амалиёти азалдан бор.

Шундай экан, фирибгарлик жиноятининг кўпайиб кетишини жиловлаш учун жазоларни оғирлаштириш ва ушбу жиноятни содир этган шахсларга турли чекловларни белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Аслида, фирибгарлик учун жазоларни оғирлаштиришдан ҳам таъсирлироқ чора – бу жазони ўташдаги енгилликларни фирибгарларга нисбатан қўллашни тўхтатишдир. Шундагина жиноятни содир этиш ниятидаги шахс жазо муддатининг қисқармаслигини билиб, бу ниятидан қайтиш эҳтимоли ортади.

Фуқароларнинг ҳушёрлигини, ҳуқуқий онгини ошириш ёки турли монополияларга барҳам бериш орқали ҳам қанчадир миқдорда ушбу жиноятни камайтирса бўлар, лекин бу – масаланинг бошқа томони.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда фирибгарлик жинояти содир этилишининг олдини олиш ва қарши курашиш борасида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан:

⁵ Ўзбекистондаги фирибгарлик статистикаси
<https://uz.tafsilar.info/proisshestvija/zbekistondagifiribgarlik-statistikasi>

⁶ Уголовный кодекс Молдовы // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923

⁷ Уголовный кодекс Азербайджана // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353

⁸ Уголовный кодекс Республики Кыргызстан // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226>

⁹ О.Х. Акбаров Фирибгарлик жиноятининг фзига хос хусусиятлари // Ilm-fan taraqqiyotida zamonaviy qarashlar: muammo va yechimlar xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya // <https://conf.sciencebox.uz/index.php/ILMFAN/article/>

Жиноят кодексининг 73-моддаси тўртинчи қисми “г” бандини “фирибгарлик жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди” сўзлари билан тўлдириш;

Жиноят кодексининг 168-моддаси иккинчи қисми “в” бандини “ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса” таҳрирда ўзгартириш;

Жиноят кодексининг 168-моддаси тўртинчи қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатини “ўн йилдан ўн беш йилгача” этиб ўзгартириш;

Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда фирибгарлик жиноятини содир этганлик учун санкциясида назарда тутилган “жарима” жазосини чиқариб ташлаш.

Фирибгарлик жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларни кучайтириш мақсадида ушбу жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри юритилишини йўлга қўйиш.

Фирибгарлик жиноятни такроран рецидив шаклда содир этилиш имкониятларини чеклаш мақсадида жавобгарликка тортиш ва судланганлик муддати ўтмаган бу тоифадаги шахсларнинг суд томонидан бир қатор ҳуқуқларни чеклаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бухоро вилояти ИИБ статистик маълумотномаси.
2. <https://www.stat.uz/>
3. Криминология: Дарслик / Қ.Р. Абдурасулова, А.Г.Закирова, И.Исмаилов, Ф.М.Мухитдинов, С.Б.Хўжақулов, Ғ.С.Қаршиев, Б.А.Умирзаков ва бошқ.; масъул муҳаррир Қ.Р.Абдурасулова – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2022. – 308 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 35-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/3399888>
5. Ўзбекистондаги фирибгарлик статистикаси <https://uz.tafsilar.info/proisshestvija/zbekistondagifiribgarlik-statistikasi>
6. Уголовный кодекс Молдовы // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923
7. Уголовный кодекс Азербайджана // https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353
8. Уголовный кодекс Республики Кыргызстан // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226>
9. О.Х. Акбаров Фирибгарлик жиноятининг фзига хос хусусиятлари // *Ilm-fan taraqqiyotida zamonaviy qarashlar: muammo va yechimlar xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya* // <https://conf.sciencebox.uz/index.php/ILMFAN/article/>
10. Musurmankulovich K. D. Retrospective analysis of national and foreign legislation regulating the institution of the criminal subject // *International Journal of Law And Criminology*. – 2023. – Т. 3. – №. 04. – С. 22-30.
11. Эгамбердиев, Воҳиджон Отабекович. "Жиноятнинг махсус субъекти ва унинг жиноий жавобгарлигига доир ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш масалалари." *Journal of innovations in scientific and educational research* 5.4 (2022): 518-527.
12. Гадеймиров, Бекзод Обиджон ўғли. "Вояга етмаганлар ўртасида фирибгарлик жиноятининг сабаблари ва унинг олдини олиш." *Analysis of world scientific views International Scientific Journal* 2.3 (2024): 39-44.